

Тошкент вилояти.

2022 йил “ 21 ” 07

“Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ Бош лойиҳа-қидирув институти (кейинги ўринларда Буюртмачи) номидан Устав асосида иш юритувчи Бош директори И.С.Ахмедов бир томондан ва “Samoiy Nur Loyiha” МЧЖ (кейинги ўринларда Бажарувчи) номидан Устав асосида иш юритувчи директор М.Хусанова иккинчи томондан, Хоразм вилояти Янгиариқ тумани "Севган" МФЙни бош режа лойиҳаси билан бир вақтда батафсил режалаштириш лойиҳаси ҳамда ёндош "Таган" ва "Киловит" МФЙнинг шаҳарсолик жихатидан транспорт ва кўча йўл тармоқларини ривожлантириш схемасини ишлаб чиқиш (кейинчалик-объект) ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисидаги”ги 684-сонли қонунига асосан harid.uzex.uz махсус ахборот портали орқали (Лот рақами 118617) эълон қилинган ва “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ Бош лойиҳа-қидирув институтининг 2022 йил 19 июлдаги баённомасига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

I. Шартнома предмети ва муддати

1.1.Бажарувчи, Хоразм вилояти Янгиариқ тумани "Севган" МФЙни бош режа лойиҳаси билан бир вақтда батафсил режалаштириш лойиҳаси ҳамда ёндош "Таган" ва "Киловит" МФЙнинг шаҳарсолик жихатидан транспорт ва кўча йўл тармоқларини ривожлантириш схемасини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади.

1.2. Бажарувчи Лойиҳа-смета ишларини Ўзбекистон Республикасида белгиланган ҳуқуқ ва қонун талабларига асосан амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиҳа-смета ишларини буюртмачи томонидан бирламчи маълумотлар тақдим этилиб, шартнома имзоланган кундан бошлаб шартноманинг 1-илоvasи “Бажариш ва молиялаштириш жадвали”да белгиланган муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ишлари бўйича бажариб бўлгандан сўнг ишларни бажариш муддати даврида 3 (уч) нусхада ҳамда электрон кўринишда мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

II. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Шартноманинг баҳоси ўтказилган танлов натижаларига асосан ҚҚС билан 22 884 091 сўм (Йигирма икки миллион саккиз юз саксон тўрт минг тўқсон бир) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани имзолагандан сўнг 5 иш куни мобайнида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ, Бажарувчи Лойиҳа-смета ишлари ҳужжатларини бажариб Буюртмачига тақдим этгандан сўнг, топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилгандан кейин 10 иш куни мобайнида, дастлаб тўланган аванс маблағи (шартнома баҳосининг 30 фоизи миқдоридаги) ушлаб қолиниб молиялаштирилади.

2.4. Шартноманинг баҳоси танлов натижаларига асосан белгиланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ишлар қийматини кўпайтиришга энгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

Дастлабки ҳисобланган лойиҳа-смета ҳужжатларига экспертиза хулосаси олингандан сўнг, лойиҳа-смета ҳужжатлари баҳоси тасдиқланган манзили рўйхатга асосан Буюртмачи ва Бажарувчи розилиги билан заруратга кўра ушбу шартномага қўшимча келишув имзоланади.

III. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Буюртмачи барча ишлар бажарилиб бўлгандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини Бажарувчига тўлаши ёки ишларининг айрим босқичлари тугатилганидан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлаши, тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даво юзасидан ишда қатнашишига Бажарувчини жалб қилиши шарт.

3.2. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотларни 10 (ўн) иш куни мобайнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотларда аниқланган камчиликларни, 10 (ўн) иш куни муддат ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул

қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.3. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда ёки дастлабки маълумотларни тақдим қилиш кечиктирилганда ишларни тугаллаш муддати тўлов ёхуд тақдим кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

IV. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Лойиҳа-смета ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси билан лойиҳалаш учун топшириқда кўзда тутилган ҳужжатлар тўпламини топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.1-бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар Лойиҳа-смета ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертларга лойиҳа-смета ишлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни лойиҳа-смета ишларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддатда ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

V. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Лойиҳа-смета ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўриши шарт.

VI. Низоларни ҳал этиш

6.1 Шартнома амал қилиш давомида юзага келадиган низоларни тарафлар ўзаро музокара йўли билан ҳал этади. Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда низолар тарафлар томонидан Тошкент вилояти туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси бериш ва ишни судда кўриб чиқиши натижасида ҳал қилинади.

VII. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш

7.1. Шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Шартнома ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишувни ёзма шаклда амалга оширилади. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки шартноманинг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

7.2. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олгандан кейингина шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

VIII. Форс-мажор.

8.1. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

IX. Қўшимча шартлар

9.1. Бажарувчи Лойиҳа-смета ишларини муддатидан олдин бажарганида, Буюртмачи уни Шартноманинг 4-бандига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

9.2. Бажарувчи Шартнома шартларини бажариш учун, Шартномада белгиланган муддатларга риоя қилинишини инobatга олган ҳолда, учинчи шахсларни жалб қилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақи кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня

тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

9.4. Бажарувчи томонидан Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса, Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

9.5. Тўланган пеня тарафларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

9.6. Шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва ҳар иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга.

9.7. Шартнома 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

9.8. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

1-илова - Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни бажариш ва молиялаштириш жадвали.

Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари


“Буюртмачи”


“Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ Бош лойиҳа-
қидирув институти

Манзил: 100128 Тошкент шаҳар
Шайхонтохур тумани А.Қодирий кўчаси 7 уй
Тел: 71-241-13-23

ХР: 20214000704767451001
Банк: ХАТБ “DAVR BANK” Тошкент шаҳар
Юнусобод филиали

МФО: 01122 ИНН: 206 994 012
ОКЭД 71100

Бош Директор  И.С.Ахмедов



“Бажарувчи ”

“SAMOIY NUR LOYIHA” МЧЖ

Манзил: Тошкент вилояти, Бекобод
шаҳар, Ғ.Ғулом кўчаси 71 А-уй.

ХР: 2020 8000 4003 6534 6001

ҚҚС рўйхат рақами 32770171691

Банк: “Ипотека банк” АТИБ Тошкент
шаҳар филиали

МФО: 00419 СТИР: 302 992 560

ОКОНХ: 66 000

Директор  М.Хусанова



Хоразм вилояти Янгиариқ тумани "Севган" МФЙни бош режа лойихаси билан бир вақтда батафсил режалаштириш лойихаси ҳамда ёндош "Таган" ва "Киловит" МФЙнинг шаҳарсолик жихатидан транспорт ва кўча йўл тармоқларини ривожлантириш схемасини ишлаб чиқиш

БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Қиймати (сўм)	Бажариш		Молиялаштириш муддати
			Муддати	Қиймати (сўм)	2022 йил
	Хоразм вилояти Янгиариқ тумани "Севган" МФЙни бош режа лойихаси билан бир вақтда батафсил режалаштириш лойихаси ҳамда ёндош "Таган" ва "Киловит" МФЙнинг шаҳарсолик жихатидан транспорт ва кўча йўл тармоқларини ривожлантириш схемасини ишлаб чиқиш	22 884 091	6 кун	22 884 091	22 884 091
	ЖАМИ:	22 884 091		22 884 091	22 884 091

